

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВА САЙЁРАХОН МАХАМАДАЛИЕВНА

БАДИЙ МАТНДА ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИФОДАЛАШ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

Қурбонова Сайёрахон Махамадалиевна

Бадий матнда шахс хусусиятларини ифодалаш 3

Kurbanova Sayyorakhon Makhmadaliyevna

Revealing the features of the person in the literary text 25

Қурбонова Сайёрахон Махамадалиевна

Выявление свойств личности в художественном тексте 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВА САЙЁРАХОН МАХАМАДАЛИЕВНА

БАДИЙ МАТНДА ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИФОДАЛАШ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fil.230 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти (www.fdu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хакимов Мухаммад Хўжахонович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Махмудов Низомиддин Мамадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Раҳимов Усмонжон Эргашевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___» 2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2018 йил «___» ____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» ____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

М.Хакимов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

А.Мамажонов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигига матн яралиши ва идрок этилишида шахсга хос хусусиятлар асосий омил сифатида қарала бошланди. Матнда шахс хусусиятларининг аҳамияти марказий масала сифатида қаралиши психолингвистика соҳаси ривожланишига туртки берди. Психолингвистик тадқиқотлар доирасида тилнинг амалий аҳамияти тўлақонли ёритилади. Бу эса амалий кузатилган ҳодисаларнинг назарий асосланишини таъминлаш билан бирга маънавият кўзгуси бўлмиш миллий тил ва унинг воситасида мулоқотга киришиш, ўзаро нутқий муносабатларда вазиятни тушуниш, идрок қилиш жараёнларини ўрганишга илмий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатди.

Дунё тилшунослигига XIX аср ўрталарида келиб тилга психолингвистик ёндашув тадқиқотчиларнинг эътиборини торта бошлади. Бу даврга келиб нутқий жараённинг онг фаолияти билан боғлиқлигига бағишлиланган тадқиқотлар майдонга келди. Бунда тилни сўзловчи шахс ва унинг дунёқарashi, темпераменти ва характер хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиш ўз навбатида халқ психологияси ҳамда миллий онг масалаларига ҳам алоқадорлиги билан аҳамиятлидир. Нутқий фаолият, биринчи ўринда, ахборот узатиш вазифасини бажаради. Ахборот узатилиши жараённада тилнинг вербал ва новербал воситалари ўзаро уйғун тарзда қўлланилади. Муайян ахборотнинг нутқий воситалар орқали воқеланишида шахс хусусиятлари энг муҳим омил саналади.

Кишилар тил воситасида ўзаро муносабатга киришар экан, нутқий фаолият давомида уларнинг шахс хусусиятлари, характеристи ва табиатига хос жиҳатлар намоён бўлади. Бу жиҳатларни ёритиш тилшуносликнинг прагматик аспекти масалалари билан боғлиқ бўлиб, психолингвистик тадқиқотлар олиб боришга катта эҳтиёж сезилди. Бадиий матнда сўзловчи ва тингловчининг шахс хусусиятларини очиб беришда уларнинг нутқи ёки ёзувчи тасвирига таянилади. Кишилар ўртасидаги мулоқот маданияти, миллий тафаккур шакланишида мулоқот иштирокчиларининг шахс хусусиятларини аниқлаш бугунги глобаллашув жараённада тилдан амалий фойдаланиш, ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий муносабатлар ўрнатишида, айниқса, муҳим ўрин тутади. Бадиий матнда шахс хусусиятларининг намоён бўлишини тадқиқ этиш орқали шу тилда сўзлашувчи кишилар феъл-атвори, психологияси, мулоқот тарзи ва характеристини очиб бериш тилшунослик олдида турган муҳим вазифалардандир. «...Илмий ва ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифа»¹сининг белгиланганлиги бошқа фан соҳалари қатори тилшуносликда ҳам тадқиқотлар олиб боришга кенг имкон яратмоқда. Бу борада тилнинг амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, ўзбек психолингвистикасининг илмий

¹Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. – 56 б.

асосларини белгилаб бериш, нутқий фаолият босқичлари, типларини таснифлаш, мuloқот жараёнида шахс хусусиятларининг муҳимлик даражасини кўрсатиб бериш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигига XX асрда бу соҳани ўрганишга жиддий киришилган бўлса, бу йўналишдаги тадқиқотларга ўзбек тилшунослигига XXI асрга келиб катта қизиқиш билан қарала бошланди. Жумладан, жаҳон тилшунослигига В.фон Гумбольдт, А.А.Леонтьев, Л.В.Щерба, А.Р.Лурия, Н.И.Жинкин, Е.С.Кубрякова, Н.И.Караулов, Т.А.Ван Дейк, В.З.Демьянков, Ф.К.Седов² каби олимларнинг ишларида нутқни инсон омили билан боғлаган ҳолда тадқиқ этишнинг назарий асослари қўзга ташланади. Ўзбек тилшунослигига бу масалаларга оид фикрларни А.Нурмонов, Н.Махмудов, Ш.Сафаров, С.Мўминов, М.Ҳакимов, Д.Худойберганова, И.Азимова, С.Боймирзаева, Ш.Усмонова³ каби тилшуносларнинг илмий қарашлари ва тадқиқотларида кўриш мумкин.

² Humboldt W. Über Kawi-Sprache auf der Insel Java, Bd. I. Berlin, 1936; Леонтьев А.А. Психолингвистика. – Ленинград: Наука, 1967; Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Ленинград: Наука, 1974. – С. 428; Лурия А.Р. Язык и сознание. – М.: Наука, 1979; Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М.: Наука, 1982; Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986; Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987; Язык и личность. М., 1989; Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – Москва, 1989; Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкоznания, 1994. - №4. -С.17-33; Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004.

³ Нурмонов А. Тилшуносликнинг психология билан муносабати // Танланган асарлар. З жилдлик. – Тошкент: Академнашр, 2012. 2-жилд. Б-164-169; Махмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. –№5. – Б.3-16; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006; Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008; Мўминов С. Ўзбек мuloқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлариб Филол. фанл. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол.фанлари доктори ... дисс. – Тошкент, 2001; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи – Тошкент: Фан, 2013; Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол.фанлари

Шахс хусусиятлари, хусусан, унинг темпераментига хос белгилар нутқда акс этиши масаласи психолог олимлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилган⁴. Айнан нутқий фаолиятда шахс темпераментининг намоён бўлиши масаласига бағишлиланган қатор тадқиқот ишлари бажарилган⁵.

Тилшунослик масалалари кўламининг кенгайиши таъсирида айни пайтда ўзбек тилшунослигида янги соҳалар ривожланмоқда. Жумладан, психолингвистика, когнитив тилшунослик, антропоцентрик назария, лингвопрагматика каби фан соҳалари вужудга келдики, уларда тилшунослик масалалари чин маънода амалий аҳамият касб этади. Мазкур янги йўналишларда муайян ишлар амалга оширилганига қарамай, уларни ҳали етарли деб бўлмайди, уларда назарий асосланмаган ва шу сабабдан ҳам соҳаларнинг илмий парадигмасида ўз ўрнини топмаган, баъзан соҳалар оралиғида белгиланмай қолиб кетган, баъзан эса, аксинча, бир масалага турлича ёндашиш сабаб бир неча ўринларда турлича изоҳ бериш натижасида чалкашликлар учрайди. Бу ҳолатларни соҳанинг ривожланиш босқичида эканлиги ва ҳали тўла шаклланиб улгурмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ўзбек тилшунослигида матннинг психолингвистик хусусиятлари, унда шахс омилининг тутган ўрни масалалари кенг планда, монографик тарзда ўрганилган эмас, матннинг тил хусусиятларини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар мавжуд бўлгани ҳолда унинг психолингвистик, социолингвистик, лингвокультурологик хусусиятларини ёритиб беришга оид фундаментал тадқиқотлар кўзга ташланмайди.

Соҳага оид изланишлар натижасида, айниқса, тилнинг ижтимоий-психологик ҳамда прагматик аспектлари етарли даражада ўрганилмагани, уларда долзарб муаммолар мавжудлиги, тилшунослик фанининг ижтимоий фан сифатида кишиларнинг дунёқараши, характеристи, умумий қилиб айтганда, шахс хусусиятлари билан алоқадорлик масалалари деярли тадқиқ этилмаганлиги аниқланди, бу ҳолат соҳа масалаларининг долзарблиги ва тадқиқот ишлари олиб борилиши зарурлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий тълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Фаргона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилининг психолингвистик тадқиқи» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тил материалларининг психолингвистик таҳлили асосида ўзбек тили бадиий матнларида шахс хусусиятларининг

нозоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Боймирзаева С. Матн модаллиги. – Тошкент: Фан, 2010; Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар.: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010; Усмонова Ш. Психолингвистика. – Тошкент: Университет, 2011; Социолингвистикада психолингвистик ва социологик тушунчаларнинг талқини // Лингвист, №5. Илмий маколалар тўплами. – Тошкент: Академнашр, 2014. 106-108-бетлар.

⁴ Королева И.В., Нушикян Э.А., Ягунова Н.Н. Эмоции и автоматическое распознавание и синтез речи: проблемы и перспективы.// Автоматическое распознавание слуховых образов. Таллин, 1989, стр. 62-65.

⁵ Беловол Е.В. Проявление свойств темперамента в акустических характеристиках речи.: Автореф. Дисс. .канд. Психол. наук. – Москва, 1999, -С. 24; Чивилева И.В. Личностные характеристики активности и их проявления в речи.: Автореф. Дисс. .канд. Психол. наук. – М.,2005.- 19с.

ифодаланиш ҳолатлари ва уларнинг нутқий жараёнларда ифодаланишига доир ўзига хосликларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тилшуносликда шахс омили масаласи билан боғлиқ назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тушунтириш;

матн яратилишида лингвистик ҳамда психолингвистик бирликларнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш;

нутқий фаолиятнинг турли жараёнларида лингвистик ҳамда экстравингвистик воситаларнинг қўлланилишига кўра шахс хусусиятларини кўрсатиш;

нутқий актлар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлиш ҳолатларини ёритиб бериш;

матн орқали қабул қилиш, идрок этиш ва ифодалаш жараёнининг содир бўлиши ва бунда шахс хусусиятлари (темперамент, характер, социал ва психик белгилари)нинг нутқий жараёнга таъсири масалаларини ёритиш бўйича фикр юритишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тили бадиий матнлари, матбуот нашрлари ҳамда оғзаки нутқ материалларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тили бадиий матнларида шахс хусусиятларини ифода этувчи лисоний воситалар ва уларнинг психолингвистик талқини ташкил этади.

Тадқиқот усуслари. Диссертациянинг методологик асосини жамиятнинг мунтазам тараққиётда бўлишини илгари сурувчи фалсафий карашлар, билиш назарияси ҳақидаги тушунчалар ташкил этади. Тадқиқот жараёнида тавсифлаш, қиёслаш ва дифференциациялаш, психологик, субстанционал ва герменевтик таҳлил усусларидан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

нутқда шахс хусусиятларининг акс этиши психолингвистиканинг муаммоси сифатида эътироф этилган;

матнда шахс хусусиятларини ифода этувчи лингвистик, экстравингвистик воситалар ажратиб кўрсатилган;

шахсга хос хусусиятларнинг нутқий актлар орқали намоён бўлиши назарий асослаб берилган;

бадиий матнда шахс хусусиятларининг ифодаланиши лингвотемпераментланиш ҳодисаси асосида қаҳрамонлар нутки орқали илмий асослаб берилган;

шахс темпераментининг нутқда ифодаланишига кўра холерик, флегматик, сангвиник ҳамда меланхолик нутқ каби турлари фарқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

диссертация материаллари магистратура йўналишида психолингвистика фанидан маъruzга ва амалий машғулотлар ташкил этишда, шунингдек, ушбу йўналишда қўлланма, амалий тавсиялар яратишга хизмат қилиши асосланган;

матнни фақат тил бирликлари мажмуаси эмас, балки маълум ижтимоий вазиятни ёритишга хизмат қилувчи мураккаб жараён сифатида талқин қилинган;

буғунги кунда долзарблик даражаси ортиб бораётган тил компетентлигига шахс хусусиятларининг асосий омил эканлиги кўрсатиб берилган;

ўзбек тилида нутқий актлар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлиш ҳолатлари таҳлил қилинган;

шахс хусусиятларини аниқлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш барча ижтимоий-сиёсий тармоқларда, масалан, оиласвий муносабатлар, раҳбар ва ходим ўртасидаги психолингвистик бошқарув сиёсатини амалга оширишда амалий хизмат қилиши асосланган;

информацияни қабул қилиш, онг орқали идрок этиш ҳамда уни нутқда қайта ифода этиш жараёнида шахс хусусиятларининг ўрни ва аҳамияти очиб берилишига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар тилшуносликда ўз илмий парадигмасига эга бўлган йўналишлар таркибиға кириши, хulosаларда ўзбек тили ва унда сўзлашувчилар табиатидан келиб чиқилганлиги, тадқиқ этишда қўлланилган ёндашув, усул ва назарий асослар ишончли илмий манбаларга таянган ҳолда амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация материаллари ўзбек тилининг прагматик тадқиқи, ўзбек психолингвистикаси, шунингдек, этнолингвистика, социолингвистика соҳаларида мавзулар доирасини ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатлари, нутқий жараёнларда миллий менталитетга хос белгиларни кўрсатувчи маълумотлар билан бойитиш билан бирга мазкур йўналишларда келгусида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, магистратура мутахассислигининг лингвистика ихтисослиги бўйича ўқув режасида 80 соат ҳажмда ажратилган «Психолингвистика», шунингдек, олий таълимнинг ижтимоий таълим соҳасида «Прагмалингвистика», «Ўқитувчи нутқи маданияти», «Саводхонлик асослари», рус гуруҳларда «Ўзбек тили» фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар ташкиллашда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий тавсиялари сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий масалаларда келишув ва битимларни қўлга киритишга, муросасозлик ишларида муаммоларнинг ижобий ҳал қилинишига самарали ёрдам беради. Шунингдек, ижтимоий муносабатларда шахснинг темперамент, характер, ёш, жинс, миллий менталлик ва бошқа шу каби хусусиятларни хисобга олиш турли ёшдаги ҳамда турли тоифадаги кишилар ўртасида ўзаро фикр алмашинуви тўғри амалга оширилишига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили бадиий матнларида шахс хусусиятиларининг намоён бўлишини тадқиқ этиш асосида:

нутқий жараёнда шахс хусусиятларининг намоён бўлишини текшириш асосида психолингвистикага оид тушунчалар ҳамда ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг психолингвистик тадқиқига оид материаллардан А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» мавзусидаги давлат амалий гранти лойиҳаси доирасидаги ўқув қўлланма, услугубий кўрсатмалар ва уларнинг аудиокитоб шаклидаги нусхаларини тайёрлашда фойдаланилган. (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 13 декабрь 89-03-3275-сон маълумотномаси). Натижада матнда шахс хусусиятларининг намоён бўлиши тилшуносликнинг прагматик йўналиши масалалари доирасида ўрганилиши бўйича, шунингдек, психолингвистик бирликлар талқини ҳамда нутқий жараёнларда шахс омилиниң тутган ўрнини тўғри баҳолаш юзасидан муайян аниқликлар киритилишига эришилди;

тадқиқот натижаларидан «Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиши» мавзусидаги А-1-39 амалий илмий-техник тадқиқот грантида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 марта №89-03-1094-сон маълумотномаси.) Натижада матн яратилишида сўзловчи ва тингловчининг руҳий ҳолати, ўзаро мулоқотга киришишда иштирокчилар шахс хусусиятларининг роли масалалари илмий далиллар билан бойишига эришилди;

матнни прагмалингвистик ҳамда психолингвистик асосда тадқиқ этиш юзасидан олиб борилган изланиш натижаларидан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 26 ноябрь куни эфирга узатилган «Ассалом, Фарғонам!» кўрсатувида, шунингдек, Фарғона радиосининг 2017 йил 30 ноябрь кунги радиоэшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда самарали фойдаланилган. (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йилдаги 22-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материаллар матнининг бугунги кун томошибинларининг руҳий, маънавий ҳолати ҳамда дунёқарашларига мослик даражаси ортишини таъминлашга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 19 та, жумладан, 4 та халқаро ва 15 та республика имлий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 127 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тилшуносликда янги соҳаларнинг ривожланиш тарихидан**» деб номланган биринчи бобида тилнинг табиати ва моҳиятини изоҳлашда турлича ёндашув ва қарашлар асосида вужудга келган мактаблар хақида маълумотлар берилган.

Тилга турлича ёндашувлар натижасида тилни ижтимоий ҳодиса, табиий ҳодиса, қолаверса, инсон ихтиёридан ташқаридаги илоҳий ҳодиса сифатида эътироф этилганлигини кузатиш мумкин. Айрим таълимот тарафдорлари эса уни табиий ҳодиса⁶ деб баҳолайдилар. Изланишлар натижасида тилнинг табиати ва моҳиятини тўлақонли англаш учун ундан фойдаланувчи – шахс масаласига эътибор қаратиш, уларни бир-биридан айро тушуниш мумкин эмаслиги аён бўлди. Шу қаторда тил ҳодисаларини тадқиқ этишда инсон омилига алоҳида аҳамият қаратиш натижасида тилшуносликда психолингвистик ёндашув пайдо бўлди.

Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан яқин алоқадорлик жиҳатларини ўрганувчи қатор фан соҳалари, жумладан, психолингвистиканинг вужудга келиши ва ривожланишига туртки бўлди.

Психолингвистика атамаси илк марта 1946 йилда америкалик олим Пронконинг лингвистика ва психология масалаларига бағишлиланган мақоласида кўлланилган⁷. Аммо икки фан оралиғидаги бу янги йўналишнинг чин маънода илмий атама ва тушунча сифатида шаклланиши олимлар ўртасидаги баҳс-мунозара билан боғлиқ бўлди. 1953 йилда АҚШнинг Индиана штати университетида бўлиб ўтган ёзги илмий семинар соҳанинг том маънодаги йўналишини белгилаб, соҳа масалаларига ойдинлик киритди. Бироз вақтдан сўнг ҳар икки соҳанинг йирик вакиллари маъruzalарини ўзида жамлаган мазкур семинар материалларининг китоб ҳолида нашр этилиши бу йўналиш ривожида илк жиддий қадам бўлди. Тўплам характеридаги бу китоб психолог олим Ч.Э.Осгуд ҳамда антрополог ва тилшунос олим Т.А.Себеок таҳрири остида чоп этилди. Китоб «Психолингвистика: назарий фикрлар ва

⁶ Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972. 107 бет. –Б. 68.

⁷ Pronko N.H. Language and Psycholinguistics. – In: Psychological Bulletin, 1946, P.189-239.

тадқиқот масалалари» деб номланган эди⁸. 1954 йилда нашрдан чиққан ва соҳага оид қимматли фикрлар жамланган бу манба психолингвистика тарихида майдонга келган илк асосий адабиётлардан бири сифатида эътироф этилади. Мазкур манба нашр этилгунга қадар ҳам бу мавзу доирасида эътиборга лойиқ асарлар яратилган эди. Биринчилардан бўлиб бу масалалар билан қизиқиш инглиз ва немис олимларидан Э.К.Толмен, В.М.Келлог ҳамда Л.А.Келлог, Г.А.Миллер, К.С.Лешли⁹ каби муаллифларнинг илмий изланишларида, рус олимларидан А.А.Леонтьев, Л.С.Выготский, Л.В.Щерба¹⁰ қарашларида учрайди. Анжуманда соҳа мутахассислари томонидан эътироф этилган масалалар бу борадаги фикрлар ривожига катта туртки берди. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб соҳага оид тадқиқотлар салмоғи кескин даражада орта бошлади. Янги соҳа ривожида П.В.Чесноков, А.А.Леонтьев, Ч.Осгуд, С.Эрвин, Б.А.Плотников, Н.Хомский, С.А.Сухих каби олимлар¹¹нинг ҳиссаси катта бўлди.

Тил ва унда шахс хусусиятларининг намоён бўлиши психолингвистика соҳасининг асосий масалаларидан бири бўлиб, мазкур йўналишдаги масалалар моҳиятини ёритиш энг аввало тил ва нутқ ҳодисаларининг ўзаро фарқланиши асосида шаклланди. Психолингвистика нутқ ва нутқнинг ҳосил бўлиш жараёнида шахсга хос хусусиятларнинг аҳамияти билан боғлиқ масалаларни ўрганади. Шунингдек, лингвистик ва психолингвистик бирликларни чегаралаш, уларга тўғри таъриф бериш, шахсга хос хусусиятларининг ифодаланиши кабилар ушбу соҳанинг асосий муаммолари сифатида эътироф этилади.

Тилшунослик масалаларига фалсафий-мантиқий жиҳатдан ёндашиш зарурлигини биринчилардан бўлиб илмий асослаган олим немис тилшуноси Карл Вильгельм фон Гумбольдтdir, унинг қарашлари эса келгуси тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилди. Қадимги даврлардан шаклланган илмий мактабларда тилга фалсафий-мантиқий ҳамда психологик ёндашув у ёки бу даражада устуворлик қилиб келган. Грек, Рим тилшунослик мактаблари бағрида шаклланган риторика соҳасида олиб борилган

⁸ Osgood, Sebeok. Psycholinguistics. A survey of theory and research problems. Balt, 1954.

⁹ Tolman E.C. Purposive behavior of animals and men. New York: Century, 1932; Kellogg W.M., Kellogg L.A. The ape and the child: A study of environmental influence upon early behavior. New York: McGraw-Hill, 1933; Miller G.A. Language and Communication. New York, McGraw Hill, 1953; Lashley K.S. The problem of serial order in behavior. – In: Cerebral Mechanisms in Behavior, L.A. Jeffress (ed.). New York, Wiley, 1951, 112-136.

¹⁰ Леонтьев А.Н. Развитие памяти. М., 1931; Выготский Л.С. Мысление и речь. М., 1934; Щерба Л.В. Троякий аспект языковых явлений и методические выводы отсюда // Преподавание иностранных языков в средней школе: общие вопросы методики. М.; 1947.

¹¹ Чесноков П.В. Основные единицы языка и мышления – Ростов, 1961; Леонтьев А.А. Психолингвистика и проблема функциональных единиц речи. // Вопросы теории языка в современной зарубежной лингвистике – М.:1963; Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания –М.: Наука, 1969; Osgood Ch. Hierarchies of Psycholinguistic Units // Psycholinguistics. A survey of theory and research problems. [2-nd ed.] Bloomington, 1965. В-71-73; Ervin S., Walker D., Ogsood Ch. Psychological Basis of Unit Formation // Psycholinguistics. A survey of theory and research problems. [2-nd ed.] Bloomington, 1965. В-50-60; Плотников Б.А. Соотношение коммуникативного и прагматического аспектов языковых единиц. // Коммуникативные единицы языка. Тезисы докл.всесоюзной науч.конф. – М., 1984; Хомский Н. Язык и мышление. Перевод по английского Б.Ю.Городецкого. – М.:Изд. МГУ, 1972. -123с.; Сухих С.А. Структура коммуникантов в общении // Языковые общение: процессы и единицы. – Калинин: Калининский гос. У-т, 1988. – С. 22-29.

тадқиқотларда нутқ орқали психологияк таъсир кўрсатиш ва шу орқали аудиторияни – тингловчиларни бошқариш ғоялари илгари сурилган. Шунинг учун ҳам нотиқлик санъати мактаби вакиллари ўз ишларида инсон руҳияти ва унга нутқ орқали таъсир этиш принципларига қатъий риоя қилганлар. Бу ғоя П.Грайс¹², Д.Франк¹³ қарашларида ҳам кўзга ташланади. Риторика соҳасидаги аксарият ишларда¹⁴ коммуникация жараёнидаги шахсга хос хусусиятлар психолингвистиканинг таркибий қисмларидан бири эканлиги эътироф этилади. Шахсга хос хусусиятлар кейинчалик тилшуносликка оид тадқиқотларда¹⁵ ҳам, хусусан, менталингвиситка, социолингвистика, стилистика, этнолингвистика каби йўналишларда ҳам ўз ифодасини топа бошлади. Таниқли олимлар Р.Қўнғуров, Н.Махмудов, Э.Бегматов, Ё.Тожиев, С.Каримов, С.Иномхўжаев, Б.Үринбоев, Й.Солижонов, С.Мўминовлар¹⁶ бу борада катта изланишлар олиб бориб, муайян натижаларни қўлга киритганлар. Профессор А.Нурмонов асарларида¹⁷ психолингвистика соҳаси ўрганадиган масалалар эътироф этилади. Руҳий ҳолатнинг тил сатҳи бирликлари воситасида ифодаланиши ҳақидаги диссертация¹⁸ ўзбек тилшунослигига психолингвистика йўналишида бажарилган дастлабки маҳсус тадқиқотлардан бири бўлди.

Психолингвистика илмий мактабининг дастлабки босқичи сифатида фанда нутқнинг таъсиричанлигини ошириш, кишилар ҳис-туйғусига таъсир этиш, тил ва бошқа воситалар ёрдамида инсон руҳиятига таъсир кўрсатишнинг маҳсус ифода шакллари фарқлана бошлади.

Тилшуносликда инқилобий бурилиш ясаган Прага тилшунослиги «Ёш грамматикачилар» мактаби фаолияти ва швейцариялик тилшунос олим Ферденанд де Соссюрнинг «Умумий лингвистика курси» асари¹⁹ тил ва нутқ ярусларини ўзаро фарқлашда муҳим қадам бўлди. Олим семиотиканинг нихоятда муҳим ва қизиқарли мундарижасига омма эътиборини қаратди.

¹² Карап: Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: 2008. 124-бет.

¹³ Франк Д. Семь грехов прагматики: тезисы о теории речевых актов, анализе речевого общенея, лингвистике и риторике // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1986. 263-374 стр.

¹⁴ Апресян Г.З. Ораторское искусство. – М., 1972; Лотман Ю.М. О двух моделях коммуникации в системе культуры // Semeotike. – Тарту 1971. - № 6. – С. 228; Беседы о русской культуре: Быть и традиции русского дворянства. – СПб., 1994; Головин Б.Н. Основы культуры речи. – М., 1980.

¹⁵ Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987. – 263 с.

¹⁶ Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975. - 240 б.; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Тожиев Ё. ва бошқ. Ўзбек нутқ маданияти ва услубият асослари амалиёти. – Тошкент: Университет, 1994; Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982; Үринбоев Б., Солиев А. Нотиқлик маҳорати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулокот шакллари: Филол. фанл. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 27 б.; Каримов С., Маҳматмуродов Ш., Каримова О. Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003; Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: Чўлпон, 2002; Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009; Мўминов С. Мулокот мезони. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004; Мўминов С. ва бошқ. Нутқ маданияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005; Улуков Н, Абдуҳамидова Л. Нутқ маданияти талқин ва таҳлиллари. – Тошкент: Наврӯз, 2017.

¹⁷ Нурмонов А. Тилшуносликнинг психология билан муносабати // Танланган асарлар. З жилдлик. – Тошкент: Академнашр, 2012. 2-жилд. Б-164-169.

¹⁸ Алпанова Ш. Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши: Филол. фанл. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018. 51 бет.

¹⁹ Соссюр де Ф. Труды по языкоznанию // Курс общей лингвистики. Глава IV. – М.: Прогресс, 1977. С-56-59.

Тилга семиотик ёндашувнинг пайдо бўлиши матн таҳлилида шахс масаласини актуаллаштириди. Бу масала тилшуносликда янги саҳифа очилиши, фаннинг янги ғоялар билан бойишига сабаб бўлди. Бу билан «тилшунослик тил эгалари билан боғлиқ бир қатор масалаларни четлаб ўтувчи, структур схемалар билангина шуғулланувчи қуруқ фан²⁰» доирасини ёриб чиқди ва «фаннынг ана шу чекланган томонларини тўлдириш, тилни унга ёндош ҳодисалар билан биргаликда ўрганиш учун лингвистика билан унга ёндош бўлган фанлар оралиғида лингвопоэтика, лингвогеография, лингвокультурология, лингвосоциология ёки социолингвистика, лингвокогнитология ёхуд когнитив лингвистика, психолингвистика, менталингвистика, нейролингвистика каби қатор тилшунослик йўналишлари майдонга келди»²¹.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «Шахс хусусиятларининг ифодаланиши психолингвистиканинг тадқиқот обьекти сифатида» деб номланади. Бобда психолингвистика соҳасида жаҳон тилшунослигига Л.В.Степанов, А.А.Леонтьев, Н.И.Жинкин, Ван Дейк Т.А., Е.С.Кубрякова, В.З.Демьянков, В.А.Маслова, Н.И.Караулов, Ф.К.Седов каби олимлар²² олиб борилган тадқиқотлар ҳамда уларда тилнинг онг ва руҳият билан боғлиқлик жиҳатларининг ёритилиш ҳолати тадқиқ этилган. Ўзбек тилшунослигига бу каби масалаларга биринчилардан бўлиб Н.Махмудов, А.Нурмоновлар қизиқиши билан қараган бўлсалар²³, кейинги даврларга келиб тилнинг бу каби бошқа фанлар билан алоқадорликдаги оралиқ соҳалари тадқиқи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар сафи ортиб борди²⁴. Тил инсон руҳиятининг ифодасидир, шахсга хос хусусиятлар унинг нутқида яққол намоён бўлар экан, албатта, матннинг психолингвистик тадқиқида инсон омили бирламчи

²⁰ Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 5.

²¹ Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 5.

²² Леонтьев А.А. Психолингвистика. – Ленинград: Наука, 1967; Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М.: Наука, 1982; Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987; Язык и личность. – М., 1989; Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – Москва, 1989; Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкоznания, 1994. – №4. – С.17-33; Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004.

²³ Махмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – 40 б.; Ўзимиз ва сўзимиз. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1997.-112 б.; Нутқнинг жўялиги // Ўзбек тили ва адабиёт, 2007. 3-сон. -13-17 б.; Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. -№5. -Б. 3-16.; Зиддият ва маъно тараққиёти // ЎТВА, 3-сон. 2014. Б-16-24; Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик. I жилд. Тошкент: Академнашр, 2012; Нурмонов А., Ҳакимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 4-сон. 54-58 б.; Нурмонов А. Тилшуносликнинг психология билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдлик. –Тошкент: Академнашр, 2012. 2-жилд. Б-164-169.

²⁴ Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. ДДА. – Тошкент, 2001. -39 б.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик – Жиззах: Санзор, 2006; Прагмалингвистика – Тошкент: 2008; Ҳожалиев И. Коммуникатив имконият структураси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 6-сон. 32-36 б.; Сафаров Ш. К методологии межъязыкового сопоставления дискурсивных образований // Текст в коммуникации. – М.: И-т языкоznания, 1991. - С. 119-178; Сафаров Ш., Шишкина Т.А. Коммуникативно-прагматические функции восклицания в диалоге // Мысление и коммуникация. – М.: И-т языкоznания, 1990. – С. 126-132; Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. – 39 б.; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи – Тошкент: Фан, 2013; Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фанл. нозоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Боймирзаева С. Матн модаллиги – Тошкент: Фан, 2010; Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар.: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. - Тошкент, 2010.

бўлади. Хусусан, ўзбек тилшунослигига ҳам матннинг идрок этилиши, яратилиши ва узатилиши масаласида дастлабки тадқиқотлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Жумладан, М.Ҳакимов, И.Азимова, С.Боймирзаева, Д.Худойберганова каби тилшунослярнинг илмий изланишларида тилшуносликда матннинг шаклланишида инсон ички туйғуларининг, сўзловчи ҳамда тингловчига хос индивидуал хусусиятларининг ҳал қилувчи роль ўйнаши, нутқий актлар ва уларнинг юзага келиш омиллари ҳақида фикрлар баён этилган. Мазкур тадқиқотларда ўзбек тилида матн мазмунининг тингловчига етказилиши, ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунининг шакллантирилиши масалалари шахс омилига алоҳида ургу берилгани ҳолда тадқиқ этилган.

Ишнинг иккинчи боби «Нутқий жараёнда шахс хусусиятларини ифодаловчи воситалар» деб номланади. Ҳар қандай нутқда шахс хусусиятлари ифодаланади. Айниқса, бадиий адабиёт материалларида шахснинг руҳияти, тафаккури, характер ва кайфияти билан боғлиқ тушунча ва маъноларни турли воситалар орқали ифодаланишини кўриш мумкин. Хусусан, ёзувчи ўзининг қаҳрамонлари нутқида, харакатларида, ҳатто кийиниши, юриш-туришида вербал, новербал воситалар ҳамда экстралингвистик омиллардан фойдаланган ҳолда образнинг ўзига хос хусусиятларини тасвиirlаб, китобхон тасаввурида уни идрок қилиш имкониятини таъминлайди. Натижада бадиий адабиётда шахсга хос хусусиятлар турли воситалар ёрдамида намоён бўлади ва китобхон томонидан идрок қилинади.

«Шахс хусусиятларини ифодаловчи лингвистик воситалар» деб номланган биринчи фаслда шахс хусусиятларининг ифодаловчи лисоний воситалар тўғрисида фикр билдирилади. Тилнинг фонетик, лексик-семантик ҳамда грамматик воситаларнинг функционал хусусиятлари ёритилади. Нутқда фонетик бирликлар орқали сўзловчининг талаффуз имкониятлари образнинг табиатини ёритишга хизмат қиласи. Нутқий ифодада фонацион воситанинг ўзигина образ характерини кўрсатиб беради. Қаҳрамонларнинг овози уларга хос ёш, жинс, руҳий ҳолат, кайфият, социал белгиларни ифода этади. Контекстдан келиб чиқиб, сўзловчи овоз ва талаффузни вазиятга хос референциал структура билан таъминлайди. Бу илмий адабиётларда маҳсус артикуляцияга асосланган талаффуз акти деб юритилади. Бу нутқнинг семиотик хусусиятини кўрсатади.

Матнда шахс хусусиятларини акс эттирувчи воситалар сирасига нутқда товушларнинг иккилантирилиши ҳам мисол бўлиши мумкин.

-*(Асадбек):... Тузукроқ қориларни айттир.*

-*(Кесакполвон): Қориларнинг хўррозини топтираман. Ё Собитхонингни Кўқондан олдириб келайми?*

(Шайтанат, 4-китоб. 77-бет)

Ушбу нутқ парчасида «хўрроз» сўзи лексик ва фонетик белгилари билан сўзловчининг коммуникатив мақсадини ифодалаш учун хизмат қиласи. Ўз

навбатида коммуникатив ният қорининг зўрлиги – *хўрро*з ифодасида кўзга ташланади. Бу белгилар семиотик жиҳатдан, биринчидан, сўзловчи шахсига хос ишонч, қатъият, иккинчидан, қорининг бошқалардан зўрлиги каби белгиларни ифодалайди.

Лексик бирликлар мустакил маъно ифодалаш имконияти асосида тилда ахборот узатилишида муҳим ўрин тутади. Лексик бирликлар воситасида шахс хусусиятларининг ифодаланишида ўзлашган қатлам бирликларидан фойдаланиш ҳолатлари юзасидан таҳлиллар олиб борилган.

Матнда шахс хусусиятларининг ифодаланишида иборалар, халқ мақолларининг қўлланилиши алоҳида аҳамият касб этади. Фразеологик бирликларнинг матн таркибида қўлланилиши халқ руҳиятига хос қарашларнинг ифодаланиши ва сингдирилишига ёрдам беради.

Шахс хусусиятларининг грамматик бирликлар доирасида ифодаланиши ўзбек тилида «сен» ва «сиз» грамматик шаклларининг қўлланилиши ва мазкур шаклларнинг прагматик хусусиятлари мисолида ўрганилган. Лингвистик шакл ва унинг мулоқот иштирокчиларига руҳий таъсир этиш ҳолати тадқиқ этилган. Бир нутқий вазиятда ижобий муносабат – келишув, дўстона илиқ муносабатни ифодалаган «сен»лаб мурожаат этиш ҳолати бошқа бир нутқий вазиятда таҳдид, менсимаслик, беҳурматлик кайфиятини уйғотиши мумкин. Демак, лингвистик шакллар объектив оламда мавжуд нарса-ҳодисалар маъно-мазмунининг ифода шакли ҳисобланса-да, унинг моҳияти онгда шаклланади.

Грамматик бирликлар матнларда асосан грамматик боғланишлар учун хизмат қилиб, уларнинг асосий вазифаси ҳам синтактик алоқага киришаётган шаклларни ўзаро мос формаларда грамматик моделлаштиришдан иборат бўлади. Лекин баъзан ҳатто синтактик шакл ясовчи морфемаларнинг у ёки бу шаклда қўлланилиши муайян ахборот қўламини ҳосил қиласди. Масалан, русларда бошқа бирорга сенлаб мурожаат қилиш уни ўзига яқин олганлик, ундан бегонасирамаслик мазмунларини ифодалайди.

-Менга эрга тегасанми? – Комиссар бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини ўзи билмай қолди. Юмдалаб ташласа, нима қиласман, деб юраги пўкиллаб турган эди, Наташа ундан қилмади.

Отаси (эҳтимол бобоси) тенги бу одам нима деётганини дафъатан тушиунолмагандек, бир зум киприкларини тиртиратиб турди-да, мовий кўзларида табассум пайдо бўлди.

-Прописканан ўтказсанг, тегаман!

Сенсирадими, демак яқин олгани шу! Мана буни очиқча савдо деса бўлади!

(«Тушда кечган умрлар», 146-бет)

Бу ўринда сўзловчининг «сен»лаб мурожаат этиши тингловчи томонидан «ўзига яқин олганлик», нутқий вазият мазмунига қўра эса таклифга – у билан турмуш қуришга розилик маъносини ифода этган.

Ўзбекларда эса бегона ва бунинг устига катта ёшдаги инсонларга сенлаб мурожаат этилмайди, бу ҳол одобсизлик ва ҳурматсизлик белгиси саналади. Лисоний маданияти турлича бўлган халқларда мулоқот ҳулқи фарқланади.

...Қаландаров ўрнидан турди ва ич-ичидан ҳуруж қилиб келаётган титроқни босишга, бақириб юбормасликка ва илжайшига ҳаракат қилиб:

-Қани, гапир бўлмаса! Нега ўтирединг? Маслаҳатингни эшитайлик! Бугун кесакдан ўт чиқиб қолди... – деди.

У одам секин ўрнидан турди, кулимсираб одамларга, кейин Қаландаровга қаради.

-Кесак десангиз ҳам майлига, - деди, - лекин сенсираманг, Арслонбек. Мен сиздан икки ёш каттаман. Шу ерда бўйи етган қизим, бола-чақалик ўғлим ўтирибди... Козимбекнинг орзусини кўринг, сенсираманг...

Бу гап Қаландаровни ўзига келтирди, залнинг жисм қолгани, бу жисмикда кимнингдир чуқур ҳўрсингани уни эзиб, пачақлаб ташлади. ...ўйлаб қолди:»Бу фалокатдан бунақа гаплар чиқмас эди-ку. Сенсираманг! Шу вақтгача индамай келган одам энди нега оғринадиган бўлиб қоли? Юзимга қараб туриб сенсираманг деди-я! Бир гап бор...»

(«Синчалак», 125-бет)

Ушбу матн парчасида аввалдан тингловчига «сен»лаб мурожаат этиб келингани ва эътиroz бўлмаганлигига ишора қилинади. Айни вақтдаги нутқий мулоқотда эса бу тингловчи учун ҳурматсизлик, менсимаслик ва ҳатто ҳақорат даражасида қабул қилинмоқда.

Лекин сўзловчига «сен»лаб мурожаат этиш ҳар доим ҳам бир хил қабул қилинмайди. Баъзан ўзидан ёши катта одам «сен»лаб гапирганда самимилик муносабати ҳам пайдо бўлади.

Синтактик сатҳ бирликлари воситасида шахснинг руҳий ҳолати, маънавий дунёқараши ҳақида тасаввур ҳосил қилишга омил бўлади.

Тилнинг лингвистик воситалари билан бирга экстралингвистик воситалар ҳам шахс хусусиятларининг ифодаланишида муҳим ўрин тутади. Матнда экстралингвистик воситалар мулоқот иштирокчиларига бирламчи маълумотларни беради. Экстралингвистик воситалар новербал воситалар сирасига кириб, одатда, шахсларнинг кийган кийимлари, буюмлари, кийимларнинг ранги ва сифати уларнинг ҳолатига таяниб шахснинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини белгилайди. Экстралингвистик воситалар тил материаллари таркибига кирмаса ҳам, улар кишилар ўртасида алоқа-аралашувнинг ўрнатилиши, мулоқотга киришишнинг муҳим шартларидан бири саналади. Бу воситалар, айниқса, бир-бири билан илк марта кўришган кишилар учун биринчи тасаввурнинг ҳосил бўлишида асосий ўрин тутади.

Асадбек хотинига мақсадини аён қилмаган эди. Шу сабабли совчиларнинг кириб келиши Манзурани шошириб қўйди. Ҳовлида икки нотаниш жувоннинг пайдо бўлишидан аввалига қўнгли равшанлашиди. Она қўнгли сезгир бўлади. Қизининг бўйи етгач, дарвозадан мўраловчи бегона аёл

мақсадини дарров фаҳмлайди. Бу ташириф оқибати нима тугашини билса-да, барибир күнгли равшанлашиди.

Жувонлар «сендан қолсам қулогимни кесаман», деб бас бойлагандай, бири-биридан бўлиқроқ эди. Улар шаҳарга донги кетган одамнинг хотини дуру гавҳарларга кўмилиб яшайдиган малика деб ўйлашганми, устида одмигина қора духоба нимча, оёгига маҳси-калиш бўлган Манзурани чўри гумон қилиб, ҳовлида туриб қолишиди.

-Кираверинглар, тортинманглар, овсин, - деди Манзура.

-Эгачим йўқмидилар, - деб сўради жувонлардан бири.

-Кимни айтяпсиз, - деди Манзура, «булар адашиб кириб қолишмадими», деган хаёлда.

-Асадбек акамнинг хотинлари, - деди жувон унга ўгринча тикилиб.

-Менман, овсин, - деди Манзура.

-Вой, айланай сиздан, эгачи, танимабмиза. Келинг, бошқатдан кўришайлик. Эсонмисиз, омонмисиз... Биз ўғирликка келувдиг-а...

(«Шайтанат», 1-китоб, 211-бет)

